

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЯХЯЕВ МАҚСУД МАВЛОНОВИЧ

**ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автороферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)

Яхяев Максуд Мавлонович Яйлов чорвачилигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.....	5
Яхяев Максуд Мавлонович Основные направления развития пастбищного животноводства.....	25
Yakhyaev Maksud Mavlonovich The main directions for the development of pasture animal husbandry.....	48
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	53

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЯХЯЕВ МАҚСУД МАВЛОНОВИЧ

**ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Iqt1979 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари” миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хушматов Норкул Саъдуллаевич,
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳасанов Шавкат Турсунқулович,
иктисодиёт фанлари доктори

Нарбаев Шарафатдин Кенгешович,
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)

Етакчи ташкилот:

**Андижон қишлоқ хўжалиги
ва агротехнологиялар институти**

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSC.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-58, e-mail: admin@tiame.uz.

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кун тарқатилди
(2022 йил _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.ЧАРИЕВ,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
иктисодиёт фанлари доктори, профессор.

Ш.МУРОДОВ,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори, доцент.

Б.СУЛТАНОВ,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
иктисодиёт фанлари доктори, кат.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сайёрамизда мавжуд кишлок хўжалиги ерларининг учдан бир қисми яйловлардан иборат бўлиб, ундан бир неча юз миллион аҳоли чорва молларини парваришlashда фойдаланади. Яйловлар худудий жиҳатдан қийин шароитларда яшовчи чорвачилик фаолияти билан шуғулланувчи аҳолини озиқ-овқат, қўшимча даромад ва иш билан таъминлайдиган энг мақбул ҳаёт манбаи саналади. Шу боис, ҳар қандай мамлакат учун яйловлардан самарали фойдаланиш масаласи нафақат табиий-экологик, балки аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бандликни ошириш каби ижтимоий масалаларни қамраб олганлиги сабабли ҳам устувор ҳисобланади. Шунингдек, жаҳон аҳоли сонининг муттасил ўсиб бориши шароитида гўшт ва сут етиштириш ҳажмини ошириш заруриятининг юзага келиши ўз навбатида бевосита юқори технологияларга асосланган чорвачилик комплексларини ривожлантиришни тақозо қилмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва муассасалари томонидан яйлов чорвачилигини барқарор ривожлантириш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, яйлов ерларидан фойдаланишни тартибга солиш, иқлим ўзгариши шароитига мослашган яйлов чорвачилигини ташкил этиш, яйловларни бошқаришнинг электрон тизимини яратиш, худудлардаги деградация ва чўлланишга учраган яйловларда чорваларни алмашлаб боқиш, озуқабоп экинлар, биохилма-хилликни яратишнинг инновацион технологияларини жорий этиш асосида яйловларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш, яйловлар қийматини аниқлаш ва баҳолаш каби илмий тадқиқот йўналишлари шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда яйлов чорвачилигини ривожлантириш асосида аҳолини гўшт-сут маҳсулотлари ҳамда бандлигини таъминлашга қаратилган қатор ислохотлар олиб борилмоқда. Аммо, мутахассисларнинг фикрича, "... яйлов чорвачилигида парваришланаётган майда шохли молларнинг наслий кўрсаткичлари сўнгги 30 йилда қарийб 2,5 баробарга пасайиб кетган"¹. Бу эса яйлов майдонларида чорва моллари бош сонининг ошиши, яъни, экстенсив йўл ҳисобигагина маҳсулот етиштириш кўрсаткичларининг сақлаб қолинишига эришилмоқда. Яйлов майдонларига ортиқча босимнинг тушиши натижасида эса уларнинг деградацияга учраш хавфи ортиб бормоқда. Шу боисдан чорвачиликнинг барча тармоқлари, хусусан яйлов чорвачилигини барқарор ривожлантириш, соҳага илм-фан ютуқларини, янги бошқарув шаклларини жорий этиш, маҳсулот етиштирувчиларни рағбатлантиришнинг замонавий усулларидан фойдаланиш бўйича илмий-амалий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш долзарблик бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сонли "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармони, 2021 йил 9 февралдаги ПҚ-4984-сонли "Қорақўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-

¹ Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти маълумотлари.

тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 8 июндаги ПҚ-5178 сонли “Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2022 йил 26 апрелдаги ПҚ-224-сонли “Республикада гўшт, жун ва сут йўналишидаги майда шохли молларни кўпайтириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва тегишли давлат дастурларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чорвачилик тармоғини, хусусан яйлов чорвачилигини ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари Ляшенко В., Ситникова И., Горковенко Л., Путенко Я., Мысик А., Третьякова О., Амерсдорффер Ф., Жебит А., Заводчиков Н., Хабарова С.² каби хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Республикамизда эса чорвачиликка ихтисослашган деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида Т.Фармонов, Н.Хушматов, А.Чертовичкий, А.Ҳакимов, Ш.Файзиева, З.Кушаров, А.Юлдашев, У.Қўччиев, А.Абруев, Ш.Нарбоев, У.Садуллаев³ каби қатор аграр иқтисодчи олимларнинг эришилган илмий натижалари эътиборга молик.

Мазкур тадқиқотлар чорвачилик тармоғининг маълум бир йўналишида олиб борилган бўлиб, соҳадаги ҳозирги ташкилий-иқтисодий муносабатлар такомиллашиб бораётган, кластер тизими кенг жорий этилаётган институционал ўзгаришлар шароитида яйлов чорвачилиги бевосита ва алоҳида кенг кўламда ўрганилмаганлиги, ушбу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларининг

² Ляшенко В.В., Ситникова И.В. Молочная продуктивность и качество молока голштинских коров-первотелок разной селекции, Москва, 2013 г.; Горковенко Л.Г. Состояние и перспективы совершенствования молочного скотоводства// «Переработка молока», №5, 2018 г.; Я.Путенко. Экологическое молоко. http://www.novostioede.ru/article/ekologicheskoe_moloko_teryaet_popul.; А.Т.Мысик. Животноводство стран мира// Зоотехния. 2005. №1. – с 2-7.; Амерсдорффер Ф. Прямая и косвенная господдержка молочного производства в Германии// Международный сельскохозяйственный журнал. 2015. №1, – 51-55 с.; А.М.Жебит. Индекс себестоимости производства сырого молока (RMSI) как инструмент снижения волатильности рынка молока. Международный сельскохозяйственный журнал. – 2017. №5. – 60-61 с.; Заводчиков Н., Хабарова С. Исследование факторов экономической эффективности государственной ветеринарной службы Оренбургской области. Региональная экономика: теория и практика. Оренбург. 4(43). – 2007. – с-139-142.

³ Фармонов Т. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: дис. ...и.ф.д. – Т., 2006 й., – 83-85-б.; Хушматов Н.С., Т.Файзуллаева. Чорвачиликни ривожлантиришни иқтисодий мувофиқлаштириш омиллари. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Т.: №7. – 2012. – Б. 43-44.; Чертовичкий А.С., Нарбаев Ш.К., Якубов А. Рекомендации по системной организации пастбищного землепользования в Республике Каракалпакстан. // Ташкент-Нукус, 2020. 32 с.; Ҳакимов Р. Ўзбекистон Республикаси чорвачилик маҳсулотлари бозори ва тармоқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўналишлари. Монография. Т.: ЧП Воеводина В.Н. 2005 й. 124 б.; Файзиева Ш. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ривожланиши ва уларнинг самарадорлигини ошириш: дис. ... и.ф.н. – Т.; 1994. – 77-79-б.; Кушаров З.К. Юлдашев А. Деҳқон хўжаликларида чорвачилик. // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. 2001. №5. 27-28-б.; Куччиев У.М. Чорвачилик тармоғида ривожланган давлатлар тажрибаси // Biznes-Эксперт. 2018. №5, 57-59 б.; Абруев А.И. Агросервисни ривожлантириш асосида қорамолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш: дис ... и.ф.н. – Т.; 2018. – 50-70-б.; У.Н.Садуллаев. Гўшт етиштириш тизимини модернизациялашни рағбатлантириш йўллари: дис ... и.ф.н. – Т., 2020. – 13-150-б.

давомийлигини таъминлаш зарурияти мазкур муаммонинг диссертация мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади яйлов чорвачилигини ривожлантириш ва тармоқ самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аграр соҳа ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда яйлов чорвачилигини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини назарий жиҳатдан ёритиш;

яйлов чорвачилигининг ўзига хос хусусиятлари ва соҳа ривожига таъсир этувчи омилларни туркумлаштириш ва баҳолаш;

яйлов чорвачилигини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни аниқлаш бўйича услубий ёндашувларни тадқиқ этиш;

яйлов чорвачилиги ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш, мавжуд тенденция ва муаммоларни аниқлаш;

яйлов чорвачилигини ривожлантиришнинг хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва ижобий натижаларини мамлакатимизда жорий этиш бўйича таклифлар бериш;

яйлов чорвачилигини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб бериш;

иқлим ўзгаришига мослашган яйлов чорвачилигини ташкил этиш шароитида истиқболда уларнинг ривожланиш динамикасини аниқлаш юзасидан таклифлар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикамиздаги яйлов чорвачилиги субъектлари танлаб олинган. Алоҳида монографик тадқиқотлар Қашқадарё вилояти яйлов майдонларида фаолият юритаётган чорвачилик хўжаликларида олиб борилган.

Тадқиқотнинг предмети яйлов чорвачилигининг ривожланиши жараёнида соҳа билан боғлиқ субъектлар ўртасида юзага келадиган ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, монографик ўрганиш, иқтисодий таҳлил ва синтез, эксперт баҳолаш, қиёсий таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш, тизимли ва мантиқий ёндашув усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

яйловлар унумдорлиги, маҳсулотлар ва хўжалик юритиш субъектлари самарадорлигини оширишни давлат томонидан рағбатлантиришга қаратилган бозор талабларига мос молиявий-иқтисодий механизмлар тавсия этилган;

яйлов чорвачилигини ривожлантириш ва соҳа субъектлари фаолиятини рақамли иқтисодиёт механизмларига мос бошқариш ва мувофиқлаштириш

бўйича хизмат турлари кўрсатувчи “Яйлов инфратузилмасини ривожлантириш маркази”ни ташкил этиш, унинг таркибий-бошқарув тузилмаси ва молиялаштириш механизмлари ишлаб чиқилган;

яйлов ерларини иккиламчи ижарага бериш, томонлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга асос яратувчи ижара шартномаларини тузиш ва электрон тарзда рўйхатга олиш, хўжаликларга ажратилган яйловларнинг ягона базасини яратиш мақсадида тегишли қонунчилик ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда эътиборга олинishi зарур бўлган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тавсия этилган;

яйловлар деградацияси ва иқлим ўзгаришлари шароитида йиллик ўртача ёғингарчилик миқдорини инобатга олган ҳолда Қашқадарё вилояти яйлов чорвачилигида гўшт ишлаб чиқариш ҳажмининг 2026 йилгача прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

яйлов чорвачилигида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари натурал, қиймат, нисбий кўрсаткичлар орқали тизимлаштирилган;

хорижий давлатларнинг яйлов чорвачилигини ривожлантиришни қўллаб-қувватловчи аҳамиятга молик иқтисодий механизмлари яратилган ва уларни мос жиҳатларини республикамиз иқтисодиётида қўллаш йўналишлари ишлаб чиқилган;

республика ва вилоятлардаги мавжуд “Қоракўлчиликни ривожлантириш жамғармалари” ресурсларидан истиқболда яйлов чорвачилигини молиявий қўллаб-қувватлаш учун фойдаланиш, уларни манзилли ва мақсадли қайта тақсимлаш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги яйлов чорвачилигини ривожлантириш бўйича таниқли иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий қарашларини қиёсий таҳлил қилиш, монографик тадқиқотлар ва сўровномалар ўтказишдан олинган натижаларга таянилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси, Яйлов хўжалигини ривожлантириш уюшмасининг расмий статистик маълумотлари таҳлилларига асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти яйлов чорвачилигида яйлов сиғими, энг кўп рухсат этиладиган меъёр даражасини баҳолаш, глобал иқлим ўзгаришларига мослашиш, яйлов деградациясини бартараф этишнинг илмий, назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш билан белгиланади. Шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари, соҳадаги меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш борасидаги ҳуқуқий билимларни бойитишга замин яратади.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти, чорвачилик тармоғида соҳани ривожлантириш бўйича мақсадли давлат Дастурларини тайёрлашда, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда, шунингдек, тадқиқот натижаларидан аграр соҳа олий ўқув юртлари, қишлоқ хўжалиги техникумлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланишда ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Яйлов чорвачилигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

яйлов чорвачилигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари ҳамда уни амалга оширишнинг иқтисодий механизмлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг 2021 йил 10 декабрдаги 3-2/1297-сонли маълумотномаси). Натижада чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда хўжа-ликларнинг ўзаро манфаатдорлик асосидаги самарали фаолиятини таъминлаши билан бирга, маҳсулот етиштирувчилар ўртасидаги кооперацион алоқалар ҳамда интеграцияни ривожлантиришга хизмат қилган;

яйлов чорвачилиги субъектларига, қорақўлчилик кластерларига хизмат кўрсатиш, соҳа мутахассислари, чорвадорларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, озуқа базасини ривожлантиришга қаратилган таклиф этилаётган ташкилий тузилма Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий қилинган (Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг 2021 йил 10 декабрдаги 3-2/1297-сонли маълумотномаси). Мазкур марказ истиқболда яйлов чорвачилигидаги мавжуд ташкилий муаммоларни бартараф этиш орқали ишлаб чиқариш самарадор-лигини 15-20 фоиз оширишга замин яратган;

яйлов ерларини шартнома асосида иккиламчи ижарага бериш, ижара шартномаларини рўйхатга олиш, хўжаликларга ажратилган яйловларнинг ягона базасини юритишга оид ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасига берилган ва қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2022 йил 11 майдаги 04/8-09-1252вх-сонли маълумотномаси). Натижада, яйлов чорвачилигини самарали юритишнинг ҳуқуқий асоси такомиллашиб, хўжаликларнинг ягона базасини яратишга, уларнинг фаолият натижаларини қонунийлигини таъминлашга хизмат қилган;

яйловлар деградацияси ҳамда иқлим ўзгаришлари шароитида йиллик ўртача ёғингарчилик миқдорини инобатга олган ҳолда Қашқадарё вилоятида яйлов чорвачилигида гўшт ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 2026 йилгача бўлган прогнозлари Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий қилинган (Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг 2021 йил 10 декабрдаги 3-2/1297-сонли маълумотномаси). Натижада, Қашқадарё вилоятида мавжуд чорва моллари бош сони 2026 йилга бориб 8344,05 минг бошни ташкил қилиши ёки 2022 йилга нисбатан 1,26 баробарга ортиши, гўшт ишлаб чиқариш ҳажми эса мос равишда 106,6 фоизга ортиши прогноз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари иккита халқаро ва тўртта республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот ишининг асосий илмий натижалари 18 та илмий мақола ва тезисларда ўз аксини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 5 та мақола республика ва 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 143 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Яйлов чорвачилигини ривожлантириш ва соҳа самарадорлигини аниқлашнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида аграр соҳа ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда яйлов чорвачилигини ўрни, тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари ва соҳа ривожланишида таъсир қилувчи омиллар назарий жиҳатдан ёритилган, яйлов чорвачилигини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари баён этилган.

Маълумки, турли маҳсус ва илмий адабиётларда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни ташкил этиш тизимли ёндашувга асосланган ҳолда тадқиқ этилган. Улар орасида куйидаги 4 та шакли кенг тарқалган: кўчмачи чорвачилик, ярим кўчмачи чорвачилик, яйлов чорвачилиги ва турғун боқилувчи чорвачилик⁴ тизимлари шулар жумласидандир. Хусусан, яйлов чорвачилиги – у чорвачилик тармоғининг ажралмас қисми бўлиб, у йилнинг турли мавсумларида чорва молларини ҳайдаб ва аралаш боқиш орқали пичанзор ва яйловларда чорва молларини парваришлаш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Олимларнинг илмий ёндашувларига асосланган ҳолда хулоса қилинганда, яйлов чорвачилиги – қишлоқ хўжалигида ресурстежамкор, органик ва рақобатбардош маҳсулотларни етиштириш имкониятини берувчи ҳамда катта ҳажмли ер майдонларидан фойдаланишнинг энг самарали усулларида бири саналади.

Яйлов чорвачилигининг алоҳида жиҳатларини, ўзига хослигини ўрганиш орқали яйловларнинг типи, ҳудудий жойлашуви ва ҳолатидан келиб чиққан ҳолда улардан фойдаланишнинг табиат ва жамиятга экологик жиҳатдан хавфсиз, рационал тизими, ҳудудлардан уларни бошқаришнинг замонавий механизмлари, деградацияга учраган яйловларда биохилма-хилликни сақлаб қолишнинг

⁴ Отрасли животноводства. <https://geographyofrussia.com/otrasli-zhivotnovodstva/>

самарали усулларини ҳамда истикболга мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш имконияти яратилади.

Бу хусусиятлар тармоқда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда маҳсулот етиштириш ва сотиш жараёнларининг ўзига хослиги билан бошқа тармоқ фаолиятидан кескин фарқланади. Шунингдек, яйлов чорвачилигини ривожлантиришга бир қанча (табiiй, иқтисодий, ижтимоий, экологик) омиллар таъсир кўрсатиб, уларни доимий равишда ўрганиб бориш орқали юзага келган оқибат билан эмас, балки сабаблари билан курашиш имконияти яратилади.

Яйлов чорвачилигининг ўзига хос хусусиятлари ва унга таъсир этувчи омиллар ҳудудлар кесимида ҳам ўзгариб бориши мумкин. Сабаби яйловларнинг типи, ўсимлик қатлами, табiiй шароитлари яйловларда парвариш қилинаётган чорва молларининг насли, парваришlash агротехнологияси ва хўжалик юритиш шаклига таъсир кўрсатади. Шу боис, яйлов чорвачилигида тармоқнинг ҳудудий жойлашувини тадқиқ этишда, ҳудудий хусусиятларни инобатга олган ҳолда ёндашиш, табiiй географик жиҳатларини ўрганиш талаб этилади (1-расм).



1-расм. Яйлов чорвачилигида фойдаланиладиган яйлов минтақаларининг гуруҳланиши⁵

Яйловлардан фойдаланган ҳолда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини иқтисодий самарадорлигини баҳолаш чорвачиликнинг бошқа йўналишларига нисбатан ўз мураккаблигига эга. Яйлов чорвачилигида иқтисодий самарадорлик яйловлардан фойдаланган ҳолда чорва молларини парваришlash учун сарф этилган бир бирлик ресурслар ҳисобига ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари миқдорини англатади.

⁵ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Диссертацияда яйлов чорвачилиги иқтисодий самарадорлигини комплекс баҳолашда шартли равишда қиймат, миқдор, нисбий ва ёрдамчи кўрсаткичлар каби 4 та гуруҳга ажратган ҳолда тадқиқ этиш тавсия этилган.

Диссертациянинг **“Яйлов чорвачилигини ривожлантириш ва соҳа самарадорлигининг ҳозирги ҳолати”** деб номланган 2-бобида яйлов чорвачилигини ривожлантириш бўйича ташкилий-таркибий ислоҳотлар таҳлиллари асосида мавжуд муаммолар ва кузатилаётган тенденциялар аниқланган. Шунингдек, монографик тадқиқотлар асосида яйлов чорвачилиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги баҳоланган ҳамда муаммо доирасида хориж тажрибалари тадқиқ этилиб, уларнинг аҳамиятга молик жиҳатларини республикамиз иқтисодиётига жорий этиш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Республикамизда олиб борилган ташкилий-иқтисодий ислоҳотлар натижа-сида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан 2017 йилда жами 2286,8 минг тонна гўшт етиштирилган бўлса, 2019 йилда 2473,6 минг тонна ва 2021 йилга келиб 2765,6 минг тонна гўшт етиштирилган ёки сўнгги 5 йилда 20,9 фоизга ўсган.

Мазкур гўшт, жун ва тери маҳсулотларининг асосий қисми чорва молларини яйлов майдонларида парваришлаётган хўжаликлар томонидан етиштирилаётган бўлиб, жами ер майдонининг салмоқли қисмидан иборатлиги ҳамда ҳудудлар кесимида нотекис тақсимланганлиги билан ажралиб туради.

Зеро, республикамиз бўйича жами 2017 йилда 21 млн. гектар яйлов майдонлари мавжуд бўлиб, шундан 11 млн. гектари қишлоқ хўжалиги ерлари тоифасида, 3 млн. гектари ўрмон фонди ерлари (шу жумладан ўрмон фондининг ўрмон билан қопланмаган яйловлари), 106,1 минг гектари аҳоли пунктида жойлашган ва 6,55 млн гектари заҳира ерлар тоифасига кирган.

Статистик маълумотларга кўра, республикамизда мавжуд яйловлар асосан чорва молларини парваришлаш учун фойдаланилаётган ерлар, хусусан, жами яйловларнинг 17051 минг гектари ёки 96 фоизи яйлов чорвачилигида, 46,8 минг гектари (0,3 фоизи) боғдорчиликда, 71,8 гектари (0,4 фоизи) узумчиликда, 54,8 минг гектари (0,3 фоизи) ўрмонзорларни барпо этишда ва 31,2 минг гектари янги ўзлаштирилаётган ер майдонлари саналади.

Ўз навбатида мазкур ҳудудларда парваришланаётган чорва моллари бош сони ҳам ўсиш динамикасига эга бўлиб, уларнинг асосий қисми деҳқон хўжаликлари ихтиёрида эканлиги ҳамда деҳқон хўжаликларида чорва моллари учун ер майдони ажратилмаслигини инобатга оладиган бўлсак, яйловлар асосан ҳайдаб боқиш ҳудуди эканлигини кузатишимиз мумкин. Шу боис, яйлов деградациясининг асосий сабабларидан бири яйловларда поданинг мунтазам ҳаракати ҳисобланади.

Шунингдек, яйловларда қудуқларнинг нотекис тақсимланганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Республикамизда мавжуд яйлов майдонларидаги қудуқлар сони талабга нисбатан анча камлигини ва 54 фоизи таъмирталаб ҳолатда эканлигини кузатиш мумкин.

Таҳлилларга кўра, жами яйловларнинг 6,6 фоизда монографик тадқиқотлар олиб борилган Қашқадарё вилоятига тўғри келади. Ҳудуднинг мавжуд яйловлар минтақаси ва типига кўра тоғ ва тоғ олди, чўл ва ярим чўл ҳамда адир яйловлари кенг тарқалган бўлиб, яйловларда чорва молининг белгиланган меъёрлардан ортиқча боқилиши ҳамда тартибсиз фойдаланиш натижасида яйловлар турли даражада деградацияга учраган.

Қашқадарё вилоятида турли даражада деградацияга учраган яйлов майдонлари 2021 йилга келиб 485,6 минг гектарга етган бўлиб, тадқиқотлар кўрсатишича асосан тоғ ва тоғ олди ҳудудларидаги яйлов майдонлари кўпроқ таназзулга учрамоқда. Бу ушбу ҳудудларда яйловлардан тартибсиз фойдаланилиши ҳамда йил ноқулай, қурғоқчил келган мавсумларда чўл ҳудудларидан чорва молларининг кўчирилиши ҳолатлари оқибатида юзага келган.

Шунингдек, яйлов чорвачилигида деградациянинг асосий сабабларидан бири суғориш иншоотларининг сони, қуввати ва ҳолатига ҳам боғлиқ. Бу чорва молларнинг суғориш иншоотлари атрофида узоқ муддат ҳайдалиши натижасида нафақат чуқур деградацияга учраши, балки ҳудудларда чорвачиликда фойдаланиш имконияти бутунлай йўқолиб боради.

Монографик тадқиқот олиб борилган Косон туманидаги яйлов майдонларида чорва молларини парваришлаётган “Навбахор” фермер хўжалигининг 2019-2021 йиллар оралиғидаги самарадорлик кўрсаткичларига эътибор қаратадиган бўлсак, хўжаликда 2019 йилда 1000 гектар яйлов мавжуд бўлган бўлса, мазкур майдонларда 400 бош қўй парваришланган

Хўжалик 2019 йилда 360 та қўзи олган ва йил давомида жами 356 млн. сўм даромадга эга бўлган. Ушбу йилда у 250,7 млн. сўм харажат қилган ҳолда 105,2 млн. сўм фойда олган. 2020 йилда эса, 560 та қўйдан 500 бош қўзи олган ва мавсумда жами 395,5 млн. сўм даромад олган. 2020 йилда 341,2 млн. сўм харажат қилган ҳолда 54,3 млн. сўм фойда олган.

2020 йилнинг қурғоқчил келиши, озуқа муаммолари, каронавирус пандемияси сабабли тўйимли озуқа логистик занжирининг узилиши каби омиллар таъсирида харажатлар ортиб кетган (1-жадвал).

Тадқиқотлар давомида тармоқдаги долзарб муаммоларни аниқлаш мақсадида Қашқадарё вилоятида жами 60 та яйловдан фойдаланган ҳолда чорвачилик масхулотларини етиштираётган хўжаликлар ўртасида сўровнома ўтказилди. Уларнинг 25 таси фермер хўжаликлари ва 35 таси деҳқон хўжалиklarидан иборат. Ушбу хўжаликларнинг 75 фоизга яқини ҳудуддаги қоракўлчилик кластерига аъзо бўлган ва иккиламчи ижара шартномаси асосида яйлов ер майдонларидан фойдаланади.

Мазкур хўжаликлардан бугунги кунда амалиётда яйловлардан фойдаланиш ва чорва молларини парваришлашда энг кўп учрайдиган муаммолар хусусида сўралганда, уларнинг 36,7 фоизда яйлов ҳолати ва иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг етишмаслигини таъкидлашди.

**Қашқадарё вилояти Косон туманидаги “Навбахор” фермер хўжалигининг
иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари⁶**

	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			
			2019	2020	2021	
1	Яйлов майдони	гектар	1000	1400	2400	
2	Мол бош сони	бош	400	560	960	
3	Бир қўйга тўғри келадиган яйлов майдони	гектар	0,25	0,25	0,25	
4	Олинган қўзи бош сони	Бош	360	500	850	
5	Олинган даромад жами	минг сўм	356000	395505	902365	
5.1	Шундан	гўшт	минг сўм	36000	52000	154000
		қўзи	минг сўм	320000	392000	737000
		тери	минг сўм	-	1500	2350
		жун	минг сўм	-	-	9000
6	Жами харажатлар	минг сўм	250767,0	341180,3	565532,9	
6.1	озуқа харажатлари	минг сўм	155833,9	222648,6	376310,8	
6.2	иш ҳақи	минг сўм	32592	39110,4	60500,4	
6.3	касалликларга қарши кураш	минг сўм	5000	8000	20000	
6.4	яйлов ижараси жами	минг сўм	1000	23800	14200	
6.4.1	шундан	Ер солиғи бўйича	минг сўм	1000	1400	1200
6.4.2		Ўрмон фондига ижара тўлови	минг сўм	-	22400	13000
6.5	бошқа	минг сўм	56341,1	47621,3	94521,7	
7	Олинган фойда	минг сўм	105233,0	54324,7	336832,0	
8	Рентабеллик даражаси	фоиз	42,0	15,9	59,6	


Шунингдек, респондентларнинг 36,4 фоизи сув иншоотлари етишмаслиги, 28,6 фоизида яйлов чорвачилигига хизмат кўрсатувчи тузилмаларнинг камлиги ҳамда 27,4 фоизида яйлов чорвачилигига хизмат кўрсатувчи субъектларда хизмат сифатининг пастлиги каби муаммолар қийнаётганлиги таъкидлашди (2-расм).

Таҳлилларга кўра респондентларнинг салмоқли қисми, яъни 42 фоизи иккиламчи ижара шартномаларининг мавжуд ҳуқуқий асосларини, 24 фоизи ижара шартномаларини рўйхатга олиш тизимини, 16 фоизи яйловлардан фойдаланиш тартибини ва 18 фоизи хўжаликлар ер майдонининг чегараларини белгилашга оид меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш лозимлигини эътироф этишди.

Умуман олганда, яйлов чорвачилиги чорвачиликнинг бошқа йўналишларидан фарқли жиҳатлари мавжудлиги боис уни доимий равишда қўллаб-қувватлаш, турли хизмат кўрсатувчи тузилмаларни ташкил этиш долзарб вазифалардан бири саналади. Шу боис, тадқиқотларда қайд этилган яйлов чорвачилигида қандай шаклдаги хизмат кўрсатувчи бошқарув тузилмасига зарурият сезиладиган саволга респондентларнинг 68 фоизи реал вақт режимидаги об-ҳаво, иқлим ўзгаришлари, бозорлардаги ҳолат, касалликлар каби

⁶ “Навбахор” фермер хўжалиги маълумотлари асосида тайёрланган.

маълумотлар билан таъминлаб турувчи турли марказларни ташкил этиш лозим, деб жавоб беришди.



2-расм. Яйлов чорвачилигида учрайдиган асосий муаммолар тизими (жами сўровномага нисбатан фоизда)⁷

Маълумки, яйлов чорва моллари учун энг арзон ва қимматли кўк озуқа манбаи бўлиб, чорва моллари яйловда боқилганда боғлаб (оғилда) парвариш қилинганига нисбатан улардан олинадиган маҳсулотнинг сифати яхшиланади. Шу сабабли яйлов майдонларига ҳамда чорва молларини парваришлаш имкониятига эга бўлган давлатларда яйлов чорвачилигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шу боис, диссертацияда хориж давлатларининг тармоқни ривожлантиришга оид аҳамиятга молик тажрибаларини республикамиз иқтисодиётида жорий этиш йўналишлари ишлаб чиқилди.

Хулоса қилиб айтганда, яйлов ер майдонларидан самарали фойдаланиш орқали чорвачилик тармоғини ривожлантириш, хуудларда аграр тадбиркорликнинг янги шакллари жорий этиш жараёнларида қуйидаги мавжуд муаммолар ва тенденциялар кузатилмоқда:

- узоқ йиллар давомида яйловлардан тартибсиз фойдаланиш оқибатида деградия даражасини ортиб бориши натижасида чорва моллари учун озуқа муаммосини юзага келтирилгани (жами яйловларнинг 48 фоизи деградияга учраган, 19 фоиз яйловлар фойдаланишдан чиққан);

- яйловларни қайта тиклаш, озуқа базасини ривожлантиришга эътиборнинг пастлиги ҳамда молиявий қўллаб-қувватланмаслиги натижасида чўл яйлов ўсимликлари уруғчилиги тизими издан чиққанлиги (мавжуд уруғлик майдонлари жами яйловларнинг 0,0017 фоизини ташкил этади);

⁷ Қашқадарё вилоятида ўтказилган сўровнома асосида муаллиф томонидан тузилган

– яйловлар ҳолатининг ёмонлашиши оқибатида экологик муаммоларни юзага келиши, биохилма-хилликка салбий таъсир этиши, туз ва қум бўронларининг кўтарилишига олиб келади (мавжуд яйловларнинг қарийб 50 фоизи экологик жиҳатдан оғир бўлган ҳудудларда жойлашган);

– узоқ йиллар давомида яйлов чорвачилигига эътибор қаратилмаслиги натижасида наслчилик ва генетикага соҳасида муаммоларнинг йиғилиб қолганлиги (қўйларнинг тирик вазни 50 фоизгача, қўй терисининг юзаси 45 фоизгача, жунининг узунлиги 30 фоизгача кичрайиб кетган);

– яйлов чорвачилигида малакали кадрларнинг етишмаслиги, уларнинг ишлаши учун шароит, молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ва бошқалар.

Диссертациянинг **“Яйлов чорвачилигини ривожлантириш ва соҳа иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида яйлов чорвачилигини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги. Шунингдек, Қашқадарё вилояти яйлов чорвачилигини ривожлантиришнинг истиқболли параметрлари баён этилган.

Яйлов чорвачилигини ривожлантириш, яйловдан фойдаланувчилар томонидан агроресурслардан самарали фойдаланиш орқали ижтимоий, иқтисодий ривожини таъминлаш, шунингдек, экологик барқарорликни сақлаш ҳамда маҳсулот етиштиришни техник ва технологик модернизациялаш давлатнинг агроислохотларига бевосита боғлиқ. Шу боис, аввало яйлов чорвачилигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш устувор йўналишларини аниқлаб олиш, ҳар бир йўналиш кесимида рағбатлантириш дастакларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Бозор муносабатлари шароитида яйловдан фойдаланувчиларни ҳаракатга келтирувчи куч – бу моддий манфаатдорлик бўлиб, улар маҳсулот етиштириш орқали маълум миқдорда даромадга эга бўлиш мақсадида яйловларда чорва молларини парвариш қиладилар. Аммо узоқ йиллар давомида иқтисодий рағбатлантириш механизмлари етишмаслиги боис, яйловлардан фойдаланувчи хўжаликлар паст рентабелли фаолият юритиб келмоқда.

Шу боис, бизнингча, олиб борилган тадқиқотлар ва монографик кузатувлар натижасида бугунги кунда яйлов чорвачилигида бевосита ишлаб чиқарувчини қийнаб келаётган ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурияти туғилаётган бир қатор қуйидаги иқтисодий дастакларни жорий этиш талаб этилади (3-расм).


Шунингдек, бугунги кунда агрохизматлар бозорининг ривожланиш тенденцияси, чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатиш тузилмаларининг дислокацияси ва хизматлар таркиби, хизматлар бозоридаги географик омиллар ҳамда соҳада олиб борилаётган ташкилий-иқтисодий ислохотлар, янги бошқарув ва хўжалик шаклларино инобатга олган ҳолда яйлов чорвачилигига хизмат кўрсатувчи ташкилий тузилмаларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.



3-расм. Яйлов чорвачилигини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш йўллари⁸

Юқоридагиларга асосан республикадаги яйлов ер майдонларининг географик жойлашуви, яйлов типи ва парваришланаётган чорва моллари зоти ҳамда яйловлар ҳолатидан келиб чиққан ҳолда Яйлов инфратузилмасини ривожлантириш ва мобил хизматлар кўрсатиш марказини (кейинги ўринларда Марказ) ташкил этиш мақсадга мувофиқ (4-расм).

⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.



4-расм. Ййлов инфратузилмасини ривожлантириш маркази⁹

⁹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

Марказ ўз фаолияти давомида яйлов ҳосилдорлигини ошириш, сув билан таъминлаш, сув иншоотларини таъмирлаш, зоотехник ва зооветеринария хизматларини кўрсатиш, бозор конъюктураси, иқлим ўзгаришлари, касалликлар, маркетинг ва бошқа маълумотлар билан мунтазам таъминлаш, рақамлаштириш каби вазифаларни бажаради.

Мазкур марказни молиялаштиришда нафақат давлат бюджети маблағлари, шу билан биргаликда хизмат кўрсатишдан тушумлар ҳамда турли молия институтлари маблағларини жалб этган ҳолда олиб борилаётган лойиҳалар ва тадқиқотларни мувофиқлаштириш мумкин. Хусусан, Қорақўлчиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари марказни молиялаштиришга 2023-2026 йилларда босқичма-босқич йўналтириш таклиф этилади. Хусусан, 2026 йилдан эътиборан 50 млрд. маблағларни бевосита “Яйловларга хизмат кўрсатиш” жамғармасини ташкил этган ҳолда йўналтириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида яйлов чорвачилигида нафақат ташкилий, балки ўз ечимини кутаётган ҳуқуқий муаммолар ҳам йиллар давомида йиғилиб қолганлиги аниқланди. Яйлов чорвачилигида ташкилий-иқтисодий ўзгаришлар, янги, замонавий шакл ва муносабатларнинг жорий этилиши, хўжалик юритиш усуллари такомиллашиб бораётганлиги каби ҳолатлар натижасига кўра қонун ва қонуности ҳужжатларини такомиллаштириш давр талабига айланиб бормоқда.

Хусусан, Сенат томонидан 2019 йил 3 майда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг “Яйловлар тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида Яйловлар чорва моллари учун озуқа бўлган ўсимликларнинг табиий қопламига эга ерлардир деб таъриф берилган. Аммо, яйловларда нафақат чорва молларини парвариш учун озуқа қоплами балки, полиз маҳсулотларини етиштириш, интенсив боғларни ташкил этиш, доривор экинлар (коврак) етиштириш ва йиғиб олиш каби фаолият билан ҳам шуғулланиб келаётганлиги боис ушбу моддани тўлдириш, қўшимча киритиш талаб этилмоқда. Жумладан, мазкур моддани “Яйловлар чорва моллари учун озуқа бўлган ўсимликларнинг табиий қопламига эга, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва доривор экинлар етиштириладиган ерлардир” каби мазмунда тўлдириш мақсадга мувофиқ.

“Яйловлар тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат орган сифатида Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасини ҳам киритиш ҳамда қўмитага яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этиш, яйловларнинг ҳолатини яхшилаш, улардан фойдаланишни прогноз қилиш ва истиқболли режалаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, яйловларнинг мониторингини юритиш¹⁰ каби ваколатларини киритилиши мақсадга мувофиқ.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Яйловлар тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/docs/4344714>

Қонуннинг 13-моддасида эса яйловлар доимий эгалик қилишга, ижарага ва вақтинча фойдаланишга маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра берилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу модда ПФ-6059-сонли ҳамда ПФ-6230-сонли фармонлар билан ўз кучини йўқотган.

Қонуннинг 14-моддасида яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларга мувофиқ чорва молларини ўтлатиш ва пичан ўриш ҳуқуқи мавжудлиги белгиланган. Юқорида таъкидланганидек, яйловлардан нафақат чорвачиликда, балки бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ҳам фойдаланилмоқда. Ўз навбатида, деградациянинг кучайиб бориши шароитида, чўл-яйлов ўсимликларини етиштириш ва уларнинг уруғларини йиғиш тадбирлари ҳам қонунчиликда белгилаб қўйилиши лозим.

Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси томонидан қоракўлчилик кластерларига ижарага берилган яйловлар кластерлар томонидан чорвачилик фермер хўжаликларига, шунингдек бошқа хўжалик юритиш субъектларига иккиламчи ижара асосида берилмоқда. Амалиётда иккиламчи ижара шартномалари турли муддатларга тузилмоқда. Хусусан Бухоро вилоятида бир йил, бошқа вилоятларда бир йилдан ортиқ муддатга тузилмоқда.

Яйлов ер майдонларидан фойдаланиш, айниқса чорва молларини парвартириш учун яйловларни иккиламчи ижарага олишнинг қишлоқ хўжалиги ерларининг бошқа тоифаларига нисбатан ажралиб турувчи хусусиятлари мавжуд бўлиб, яйлов чорвачилигида бир йил қисқа муддат саналади. Иккиламчи ижара шартномасининг қисқа муддатга тузилиши яйловлардан самарали фойдаланишни рағбатлантирмайди, тинимсиз ва тартибсиз фойдаланиш эса қайта тикланиши қийин бўлган деградацияга сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, 24²-моддасига яйловларда биохилма-хилликни сақлаш, ҳосилдорлигини ошириш, сув иншоотларини қуриш ҳамда алмашлаб фойдаланиш тартибига амал қилган тақдирда иккиламчи ижара шартномаси муддати автоматик равишда узайтирилиши белгилаб қўйилиши лозим.

